

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кўлёзма ҳуқуқида
УДК

БОЙМИРЗАЕВА ГАВҲАР МАЪМУРЖОНОВНА

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ
ҚИЛИШ ВА УНИ БОШҚАРИШ
(Наманган вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Т.Э.Эргашев

Наманган-2011

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ КУЧАЙИБ БОРИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ.....	
1.1.	Инвестиция тушунчаси ва унинг таснифланиши.....	
1.2.	Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати ва таркиби.....	
1.3.	Иқтисодиётни модернизациялаш ва техникавий қайта куrollантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни.....	
II БОБ	НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР.....	
2.1.	Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили	
2.2.	Наманган вилояти иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ва реал сектор тармоқларини ривожланиши.....	
2.3.	Наманган вилояти иқтисодиётининг саноат тармоғида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар таҳлили	
III БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РАВБАТЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ	
3.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муаммолари	
3.2.	Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий усуллари	
3.3.	Наманган вилояти иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йуналишлари.....	
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	
	Фойдаланилган адабиётлар.....	
	Иловаalar.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш учун дастлаб мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирга ҳолатини чуқур ва аниқ баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади - мамлакат иқтисодиётининг янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялашга иқтисодий вазифа сифатида ёндашиш зарур ва иқтисодиётдаги номутаносибликларнинг заиф жойларини аниқлаб, модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун тараққий этган мамлакатлар иқтисодиёти ва экспорти таркибини чуқур таҳлил қилиш ва қандай иқтисодиёт турини қуришимизни аниқлаб олишимиз лозим. Ана шундан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётида қайси тармоқлар етакчи бўлиши керак, қандай куч ва ресурсларга асосланиши - қандай натижаларга эришиши мумкинлигини аниқ белгилаб олиш лозим. Модернизациялаш мақсадига мамлакат иқтисодиёти таркибини ва ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилмасдан ва эришилиши кўзда тутилган намуналар билан қиёсий таққослашсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама модернизациялашни амалга оширишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишимиз лозим. «Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини

янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш хал қилувчи устувор йўналишга айланди»¹.

Модернизация - жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

“Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир....фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шунини эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга бугун зарурат йўқ, деб ўйлайман. Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди”².

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш, иқтисодий сиёсатнинг асосий концептуал йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республика иқтисодиётига инвестицияларни

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент. «Ўзбекистон», 2010.43-б

² «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади». Президент ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

жалб қилиш механизмини ривожлантириш зарурияти давр талаби бўлиб, шу билан бир қаторда ташқи ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш долзарблигича қолмоқда.

«Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,8 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадиги қуйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди»³ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А. Каримов.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий

³ «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз таракқиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мылжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инвестициялар, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш, уларнинг менежменти, инвестиция қарорларини қабул қилиш масалалари чет эллик олимлардан: Брикхмен Ю., Бейли Ж., Лоренс Ж., Жонк М.Д., Зель А., Конвей Р., Майерс С, Мертенс А.В., Мауер, Норкотт Д., Вильям Д. Нордхаус, Петер Штольте, Роуз Питер С., Розенберг Ж.М., Холт Роберт Н., Сигел Сорос Ж., Френсис Ф.Фис, Жозеф И. Финнерти, Хавранек П.М., Шарп У., Шим Жей К., Гудман Ж.Эллиот, Максимо В.Энг ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш масалалари россиялик иқтисодчилардан Бочаров В.В, Волков И.М., Золотогоров В.Т., Идрисов А.Б., Картишев С.В., Ковалев В.В., Коссов В.В., Лившиц В.Н., Липсиц И.В., Миловидов В.В., Морозов Д.С., Павлов И.Т., Постников А.В., Сидельников Л.Б., Смирнов А.Л., Турбина Т.Е., Тумусов Ф.С., Черкасов В.Е. каби олимлар томонидан ўрганилган.

Инвестициялаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, шунингдек, М.С.Ангелиди, Ф.У.Додиев, Н.Г.Каримов, С.А.Нуриддинов, Х.А.Омонов, М.Ф.Очилов, О.Ш.Собиров, Д.Ғ.Ғозибеков, К.Б.Хошимов ва бошқаларнинг илмий ишларида қўрилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади иқтисодиётни таянч устувор йуналишларини модернизациялаш техник янгилаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва иқтисодий табиатини ўрганиш, таҳлил қилиш услубиётини ўрганишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун Магистрлик диссертациясида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Инвестиция тушунчаси ва унинг таснифланишини ўрганиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати ва таркибини кўриб чиқиш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш ва техникавий қайта куроллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни белгилаш;
- Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- Наманган вилояти иқтисодиётининг саноат тармоғида олиб борилаётган таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муаммоларини аниқлаш
- Наманган вилояти иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йуналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқлари танланди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари: Магистрлик диссертациясининг назарий асослари сифатида хориж ва МДХ давлатлари иқтисодчиларининг, шу жумладан мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларига инвестицияларни жалб қилишга бағишланган илмий ва амалий ишлари ташкил қилади. Магистрлик диссертациясида шу билан бир қаторда, статистик материаллардан, Ўзбекистон Республикасининг Қонунларидан, Республика Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида инвестиция тушунчаси ва унинг таснифланишини ўрганилган, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати ва таркибини кўриб чиқилган, иқтисодиётни модернизациялаш ва техникавий

кайта қуроллантииришда хорижий инвестицияларнинг ўрни очиб берилган, Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилинган, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муаммолари аниқланган, Наманган вилояти иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йуналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Магистрлик диссертациясининг асосий хулоса ва таклифлари бутун бир мажмуани ташкил этиб, ундан Олий ўқув юртларида «Хорижий инвестициялар», «Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш» каби фанларни ўқитиш жараёнларида, инвестиция лойиҳаларини самарадлолигини баҳолашда, корхоналарни инвестицион фаолиятини бошқаришда, турли молия институтларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қарорлар қабул қилишда ва умуман турли мулкчилик шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятларини модернизациялашда фойдаланиши мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар илмий семинарда баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси (2010 йил, Наманган), “Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар” Республика илмий-амалий конференцияси (2011 йил, Наманган), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар” (2011 йил, Наманган).

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 2 та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Магистрлик диссертациясининг таркиби: Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I Боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВНИНГ КУЧАЙИБ БОРИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

1.1 Инвестиция тушунчаси ва унинг таснифланиши

Инвестициялар деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, улар ўтган вақт ичида анча такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция тўғрисида”ги қонунида кўрсатилишича, “инвестиция бу - иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир”⁴. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитига мос келишини тўлалигича тасдиқлайди. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган. Иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестиция жараёнининг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Худди шу каби ёндашув инвестиция фаолиятининг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса, молиявий моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

вертикал ва горизонтал усулларида бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

«Инвестиция» атамаси латин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш», «капитал қўйилмаси» маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни қўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция дейилганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Инвестиция киритишда, аввало:

- инвестиция фаолияти субъектларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигининг таъминланиши;

- киритилаётган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фуқароларнинг ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун сотиб олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

- қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция тушунчасига янги капитални барпо этиш учун сарфланган харажат сифатида ҳам таъриф бериш ўринли. Инвестициялар – бу янги корхоналар қурилишига, машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, яъни янги капитални барпо этишга кетган харажатлардир.

Инвестиция тушунчасининг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун унга берилган таърифларни келтириш жоиз. Инвестициялар – бу ҳали маҳсулот қўринишига келтирилмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига

кўра, у янги корхоналар куришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарисиди ва унинг ташқарисиди турли ишлаб чиқаришларга ва қимматли қоғозларга (масалан, акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин. Инвестицияга кетган харажатнинг миқдори икки омилга боғлиқ: биринчиси – соф фойданинг кутилаётган меъёри, қайсики уни тадбиркорлар инвестицияга кетган харажатларидан олишни мўлжаллайди; иккинчиси – фоиз ставкаси. Агарда, кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда меъёридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида ҳам амалга оширилади, ҳамда ўзидаги янги қурилишларга, кенгайтиришга, реконструкцияга ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга, ускуналар, инвентарлар, лойиҳавий маҳсулотлар сотиб олишга сарф-харажатларни мужассамлаштиради. Иқтисодий фанлар ва амалиёт «инвестиция» ва «капитал қўйилма» терминларини бир хил тушунча эмаслигини, яъни синоним сўзлар эмаслигини таъкидлайди. Инвестициялар капитал қўйилмага нисбатан кенг мазмунли, қамровли тушунчадир. ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар асосан қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади. У. Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал

инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».⁵ Инвестиция тушунчаси ягона ва тўлиқ тушунча беришлик учун анчагина кенг бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга. Макроиктисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий захираларининг ўсишига қилинадиган харажатлардан ташкил топадиган ялпи харажатларнинг бир қисми ҳисобланади. Инвестициялар – бу жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМ нинг бир қисмидир.

Охирги йиллар давомида бозор ислохотларининг зафарли юриши натижасида «инвестициялар» атамаси кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди.

Ҳар тарафлама асосланган, пухта ўйланган инвестиция қарорларини инвестицияларини молиялаштиришнинг ишончли манбалари билан чамбарчас боғлиқликда қабул қилиш зарурлигини ва чет эл капиталини жалб қилишнинг кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги замон молия назарияси нуқтаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш, уларнинг энг муҳим сифат тафсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади. Инвестицияларга аниқ ва равшан таъриф бериш ҳамда уларнинг мулкӣ шакллари, капитал қўйилмалар, капитал, кредит тушунчаларининг фарқларини очиб бериш зарурияти пайдо бўлди. Замонавий молия назарияси масалалари Ж. Фон. Нейман, О. Моргенштерн, Г. Марковиц, Ж. Тобин, В. Шарп, Ф. Модильяни, М. Миллер ва бошқаларнинг асарларида ривожлантирилган. Молия бозорларининг фаолияти қонуниятлари ва қимматли қоғозларни баҳолаш тўғрисидаги фан сифатида шаклланган бу назария соф келтирилган қийматнинг фундаментал концепциялари, ўзоқ муддатли активларни

⁵ Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер. с англ.- М.: ИНФРА- М, 1997. – 1 бет

баҳолаш моделлари, капиталларнинг самарали бозорлари, бойликларнинг жамланиб бориши ва қийматнинг сақланиш қонуни, опционлар назарияси ва моҳиятини аниқ очиқ бериш учун пул оқимларининг замонавий ва бўлажак қийматларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда «инвестициялар» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчасиўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фақат капитални йўқотиш rischi мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларни вужудга келтиради. Инвестицияларнинг мулкӣ шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни иқтисодӣ ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. Бизнингча, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бугунги қийматини алмаштиришдан иборатдир.⁶ Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан боғланишини келтириш мумкин.

«Инвестициялар» атамаси лотин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестициялар» тушунчаси иқтисодӣ ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади.

⁶ Д.Ғ.Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия 2003 й.

«Чет эл инвестициялари» тушунчасига таъриф беришда ҳам худди шу маъно назарда тутилади, лекин буёринда уларнинг қонуний ҳуқуқлилиги ва мақсадига кўпроқ урғу берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинadиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестицияларнинг ҳаракатидан келиб чиқиб замон ва маконнинг алмаштирилиши ва ўзга иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Инвестицияларнинг турли шаклларда ўзга иқтисодиётларга кириб бориши янгидан инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг тури ва шаклларида қатъи назар, янгитдан сафарбар этилишини ва боғланишини билдиради. Миллий иқтисодиёт четдан қўйилма сифатида чет эл капиталини унинг турли шаклларида (пул, товар, мулкый ҳуқуқ, интеллектуал мулк ва бошқалар) қабул қилиши мумкин.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) — пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ

олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради. Номоддий инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг қўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкўр соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидagi улуши инвестицияларнинг технологик таркибини ташкил этади.

Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги; янги қурилишга, ишлаб турган

корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармақлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини шахсий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар. Дастлабки бозор инфратаркибини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади.

Реал инвестицияларни тавсифномалаш уларни ҳажми ва даромад меъёрлари асосида олиб борилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса уларнинг ҳажмини ЯММга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ифодалайди. Инфляция юқори ва чуқурлашган даврда эса айtilган кўрсаткичларга унинг таъсири тўғридан-тўғри бўлади. Инвестиция меъёри ишлаб чиқарилган ЯИМ ёки ЯММ қанчалик капитал сиғимкорлигини, яъни қай даражада капитал харажатларини талаб қилинишини билдиради. Жамғариш самараси капитал сиғимкорлигини ўсиши коэффициентлари асосида аниқланади.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфель инвестициялар деб аташади, чунки бу

ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади.

Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолатларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратаркиби ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларининг таркибида асосий ўринни шахсий инвестициялар ташкил қилади.

Биринчидан шахсий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционер ташкилотлар томонидан тақиқланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. Етук қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда шахсий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфель инвестициялар) миллий иқтисодиётда истиқболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади.

Иккинчидан, инвестицияда қатнашиш характериға кўра бевосита ва портфель инвестициялар фарқланади. Бевосита инвестициялар инвесторниўз молиявий маблағлағларни жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфель инвестициялар тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

Молиявий воситачилар тўпланган маблағларни самарали, даромад келтирадиган қилиб жойлаштирадilar. Портфель инвестициялар бошқа эмитентларнинг андерраттинг ёрдамида қимматли қоғозларга жойлаштириш шаклида намоён бўлади.

Учинчидан, инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор – бир муддат билан чекланмайди. Масалан, депозит сертификати олти ой муддатга берилади – бу қисқа муддатли қўйилмалар воситасидир, облигациялар 20 йилда қайтариш муддати билан узоқ муддатли қўйилмалар воситасидир.

Лекин, узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қисқа муддатдан, масалан олти ой ўтгандан сўнг, инвестор узоқ муддатли қуролни қисқа муддатли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Кўпинча инвесторлар ана шундай қуролларни танлайдилар ваўз пулларини қисқа муддатларга қўйишни хоҳлайдилар. Масалан, яқин олти ой мобайнида инвесторга керак бўлмайдиган суммага, у олти ойлик муддатга эга бўлган депозит сертификати сотиб олиши мумкин: қирқ ёшга тўлган инвестор пенсияга чиққунча пул йиғиш учун бирон-бир компанияни облигациясини 20 йилга сотиб олиш мумкин. Одатда узоқ муддатли инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади.

Тўртинчидан, мулк шаклларида келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат юридик шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини жойлаштириш орқали намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳудудий жойлаштирилиш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Олтинчидан, инвестициялар таваккаллик даражаси бўйича юқори таваккалли ва паст таваккалли инвестицияларга ажратилади. Молия соҳасида таваккаллик деганда инвестицияларга мутлоқ ёхуд нисбий миқдордаги фойда кутилганидан анча кам бўлади, бошқача айтганда «таваккаллик» атамаси кутилмаган натижа олиш имкониятини англатади. қўйилма маблағларига фойдани мутлақ ёхуд нисбий миқдорларини ёйилиши қанчалик кенг бўлса таваккаллик шунчалик катта бўлади ва аксинча. Якка инвестор энг кам таваккалчиликка эга бўлган давлат қимматли қоғозлардан тортиб энг юқори таваккалли товарларгача бўлган қуролларни кенг танлаш имкониятига эга. Капитални жойлаштиришни ҳар бир типи таваккални таърифидир, аммо ҳар бир муайян ҳолатда таваккаллик ўша воситанинг аниқ хусусиятлари билан белгиланади.

Масалан, облигацияларга қараганда акцияларга қўйилмалар юқори таваккалик билан боғлиқ эканлиги маълум, шу билан бирга йирик компаниялар акцияларига қўйилмалар киритилишига қараганда юқори таваккаллик облигацияларни топиш ҳам қийин эмас. Албатта, таваккаллик кўп ҳолларда эмитентнинг, воситачининг ёки муайян молиявий воситаларни сотувчисини софдиллигига боғлиқ. Паст таваккаллик инвестициялар муайян даромад олишни хавфсиз воситаси ҳисобланади. Аксинча, юқори таваккалли инвестициялар чайқовчилик ҳисобланади.

Инвестициялаш ва чайқовчилик атамалари инвестициялашга икки турлича ёндашувни англатади. Айтибўтилгандек, инвестициялаш деганда қиймати барқарор турадиган ва нафақат даромадни ижобий миқдорини олиш, балки олдиндан даромадни айтиш мумкин бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа активларни сотиб олиш жараёни тушинилади. Чайқовчилик шундай активлар билан операцияларни амалга оширишдан иборат бўлиб, фақат уларни бўлажак қиймати ва кутилаётган даромад даражаси ишончли бўлмаган ҳолатдир. Албатта, таваккалчиликни юқори даражасида чайқовчиликдан юқори даромад олиш мумкин.

1.2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати ва таркиби

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг муҳим омилларидан бири - иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат. Бу борада мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш;
- хорижий инвесторларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини изчиллик билан олиб бориш;
- хорижий инвестицияларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариладиган устувор тармоқларга йўналтириш.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазифаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичида энг муҳимлари - иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларни яратиш, илғор хориж технологияси ноу-хау ва бошқарув тажрибаларини жалб этишдир (1.2.1-жадвал).

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

- мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади. Юқоридаги сабабларга кўра инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;

Ўзбекистан Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш
суръатларининг ўзгариши

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот (млрд. долл.)	Олдинги йилга нисбатан % да	Инвестициялар (млрд. долл.)	Аввалги йилга нисбатан, % ҳисобида
2002	7,4	104,2	1,4	103,8
2003	9,7	104,4	1,9	104,5
2004	12,2	107,7	2,5	105,2
2005	15,2	107,0	2,9	107,0
2006	17,0	107,3	3,3	109,1
2007	22,3	109,5	4,7	122,9
2008	28,1	109,0	6,5	128,3
2009	32,1	108,1	8,2	124,8
2010				

- валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради;

- 2008 йилга қадар жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий имкониятларини кенгайтди ва ўзларининг инвестицион дастурларини молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, кенгайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мультипликатор самарасини ҳаракатга келтирди;

- давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўътадиллашуви, мамлакатимизга 18 ойлик импорт миқдорига тенг олтин-валюта захираларининг жамланишига, бюджет тақчиллигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқишга имкон берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2000-2009

йилларда хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги ҳиссаси 23,2% дан 35,4% гача ортди. ТТХИнинг жами инвестициялардаги улуши эса 3,3% дан 30,5% гача, жами хорижий инвестициялардаги ҳиссаси эса 14,4% дан 86,2% га қадар кўпайган (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвал

Хорижий инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш динамикаси

Кўрсаткичлар	2000 йил.	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Жами инвестициялар даги хорижий инвес тициялар улуши, %-	23,2	30,9	20,4	24,0	24,5	21,7	19,0	24,5	25,8	35,4
Жами инвестициялар таркибида ТТХИ улуши, %	3,3	5,3	4,7	8,1	10,0	14,9	14,1	20,6	20,9	30,5
Жами инвестициялар таркибида ТТХИ улуши, %	14,4	17,2	23,2	33,8	40,9	68,5	73,9	84,0	80,8	86,2

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 2000- 2009 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 2009 йилда 8,2 млрд. доллар миқдорида инвестициялар жалб этилди. Ушу кўрсаткич 2008 йил билан таққослаганда, 24,8% га кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар улуши 26,1% ни ташкил этди.

“Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар қзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қуйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий маблағлар ҳисобидан техник ва технологик қайта жихозлаш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800

миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир”⁷ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

2002 йилда марказлашган инвестициялар ҳажми умумий инвестицияларнинг 43,6% ини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,1% ни ташкил этди (1.2.3-жадвал). Бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестициялар улуши 23,5 пунктга камайди. Вазирликлар тизимида соҳани ривожлантириш учун очилган мақсадли фондлар ҳисобига амалга оширилаётган инвестициялар улушининг кескин ошиши кузатилмоқда. 2002 йилда ушбу манба улуши 1,4% ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 7,6% га етди. Давлат кафолати остида жалб қилинган инвестициялар ҳажмини 16,8% дан 4,3% гача туширишга эришилди, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 3,9% дан 27,9% гача ортди.

1.2.3-жадвал

2002 - 2008 йилларда инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибининг ўзгариши, фоиз ҳисобида

Т/Р	Манбалар	2002 йил	2003 йил.	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил.	2009 йил
	Жами инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100
1.	Марказлашган инвестициялар шу жумладан	43,6	36,4	31,8	23,4	22,5	20,1	20,0	20,1
1.1.	Бюджет маблағлари	25,5	17,0	14,9	12,7	10,7	9,0	8,9	8,1
1.2.	Бюджетдан ташқари маблағлар	1,4	0,4	2,4	4,7	6,9	6,1	7,6	7,6
1.3.	Давлат кафолати остида олинган кредитлар	16,8	19,1	14,5	6,0	5,0	5,0	3,5	4,3
2.	Марказлашмаган инвестициялар шу жумладан	56,4	63,6	68,2	76,6	77,5	79,9	80,0	79,9
2.1.	Корхоналар маблағлари	38,3	41,9	43,2	48,7	48,3	47,6	43,6	36,3

⁷ «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

2.2.	Тижорат банклари маб- лағлари	2,2	2,6	2,6	2,9	3,4	3,1	7,9	5,2
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	3,9	7,3	10,0	13,2	14,1	17,8	25,8	27,9
2.4.	Аҳоли маблағлари	12,0	11,8	12,4	11,8	11,7	11,3	10,8	10,6

Ушбу жараён ижобий ҳолат ҳисобланиб, иқтисодиётимизга модернизациялаш лойиҳаларига узоқ муддатли инвестициялар киритилаётганини кўрсатади, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий оқибатлари таъсирини камайтирувчи ва юмшатувчи омил бўлиб хизмат килади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «... ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда».

Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда Давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий инвесторларда Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изохлаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тўхтатила бошланди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий муҳим лойиҳалар кафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт на алоқа инфраструктураси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат.

Хорижий инвестицияларнинг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан

инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашди. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш қабиларга қаратилди. Хусусан, дунёнинг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, кўшма инвестицион лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилаётган ёки кўзда туталаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Иқтисодийга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш босқичларида иқтисодийга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолган ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжига нисбатан пастроқ даражада сақланиб турибди (1.2.4-жадвал).

Республикамиз иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий инвестициялар таркиби жамига
нисбатан фоиз ҳисобида

Иқтисодиёт соҳалари	2000 йил.	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
I. Ишлаб чиқариш соҳаси	93,0	90,0	85,0	86,8	82,7	89,5	84,3	92,6	92,5
Саноат	62,4	69,4	69,6	46,1	39,0	46,4	41,3	57,7	57,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	4,6	4,9	6,1	4,0	0,7	3,0	5,2	3,7	4,3
Қурилиш	-	0,02	0,01	-	-	0,3	1,3	4,8	4,4
Транспорт ва алоқа	24,7	14,2	7,3	32,9	37,8	38,6	30,9	25,3	25,5
Савдо ва умумий овқат ланиш, моддий-техника таъминоти	0,1	0,2	0,1	1,0	0,3	0,9	0,8	0,8	0,7
Ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа объектлари	1,2	1,3	13,5	2,8	4,9	0,2	4,7	0,7	0,3
II. Ноишлаб чиқариш соҳаси	7,0	10,0	15,0	13,2	17,3	10,5	15,7	7,4	7,5

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий таркибида нотекислик сакданиб қолмоқда. Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал минтақалар — Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Қашқадарё вилояти ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Сирдарё, Хоразм, Жиззах вилоятларининг улуши оз ҳисобланади

Таҳлиллар кўрсатишича, республика ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қатор муаммолар мавжуд:

-инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги — банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини

рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

-тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги - ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фойятини ривожлантириш;

-инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

-лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги - инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

-маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги-хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳдил хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар (республика ҳудудида ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг минтақавий таркибининг
ўзгариши, (%)

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	1,7	1,6	2,8	8,4	5,1	6,1	0,5	1,6	0,3
Андижон вилояти	1,1	4,6	4,9	1,8	3,7	2,5	1,1	3,4	5,4
Бухоро вилояти	2,1	1,0	2,9	4,8	4,1	3,8	36,0	11,7	1,4
Жиззах вилояти	3,4	4,4	0,1	1,2	0,7	Б9	0,4	1,1	1,3
Қашқадарё вилояти	25	24,4	16,9	9,5	7,9	17,7	16,7	31,7	35,0
Навоий вилояти	5,8	11,8	3,5	1,4	7,8	0,8	0,5	2,9	0,2
Наманган вилояти	0,9	2/7	3,7	1,6	1,9	1,7	1,1	2,6	1,9
Самарканд вилояти	3,4	2,4	1,9	3,5	5,2	4,0	1,1	2,2	2,4
Сурхондарё вилояти	1,0	0,3	0,2	2,4	1,6	•,7	0,9	5,0	0,9
Сирдарё вилояти	0,9	1,5	0,4	2,1	1,4	2,3	0,2	0,6	2,9
Тошкент вилояти	8,7	7,4	8,9	10,6	8,1	6,3	3,6	3,4	9,6
Фарғона вилояти	4,5	14	22,8	2,3	2,4	3,1	1,4	4,9	4,1
Хоразм вилояти	1,5	2,7	10,2	3,7	1,4	4,6	1,9	0,8	0,5
Тошкент шаҳри	39,8	21,1	20,8	46,7	45,7	43,7	34,9	28,1	34,1
Тақсимланмаган маблағлар	-	0,1	-	-	3,0	-	-	-	-

Айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишдаги мавжуд муаммолар:

- хом-ашё сотиб олишга айланма маблағлар етишмаслиги - корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқиб, уни молиявий соғломлаштириш, қарзларини реструктуризация қилиш бўйича мувофиқдаштириш ишларини олиб бориш орқали 2010 йил экспорт истикболини бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик, ва б.) — ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва хом ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;

- инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан. Корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари план таъминлашда узилишлар мавжудлиги - экспортёр корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;

- технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги - технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этишни таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

- корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг, малакасининг етарли даражада эмаслиги — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни мунтазам йўлга қўйиш лозим.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра, хорижий инвесторларни жалб этишга йўналтирган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириши мумкин. Таҳлиллар кўрсатишича, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган инвестицией мухит билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор ислохотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик хорижий инвесторларни жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Бундай ҳолда миллий иқтисодиётга маблағ жойлашганлиги билан боғлиқ бозор хатарлари даражаси паст, деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш қатор босқичларда амалга оширилиб, дастлаб кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари хусусий мулкка айлантиридиган. Кейинчалик ўрта ҳажмдаги корхона ва объектларга эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда.

2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида 2008 йилда давлат корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг ижтимоий соҳасидаги 392 та объект мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўзгартирилди (1.2.6-жадвал).

Ушбу объектлар соғлиқни сақлаш (54 та), халқ таълими (38 та), кишлоқ ва сув хўжалиги (23 та), маҳаллий ҳукумат идоралари қарамоғидаги ижтимоий инфраструктура объектлари (171 та) ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхона ва муассасалардир (103 та).

2003 — 2008 йилларда хусусийлаштирилган объектларнинг аксарият қисмини хусусий шахсларга сотиш (386 та) тенденцияси сақланиб қолди ва 6 та давлат ташкилоти масъулияти чекланган жамиятга (МЧЖ) ўзгартириш орқали хусусийлаштирилди. Ушбу ташкилотларнинг биронтасила акционерлик жамиятига айлантириш орқали хусусийлаштирилиши кузатилмаган. Ҳозирга келиб хусусийлаштирилиши керак бўлган деярли барча йирик ва ўрта корхоналар нодавлат мулк шаклига ўзгартирилди. Шунинг учун иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни аввалги босқичларда давлат корхоналари негизида тузилган хўжалик жамиятларининг устав фондида давлат аралашувини минимал даражага қисқартиришга йўналтирилган.

1.2.6-жадвал

Давлат объектларини хусусийлаштириш кўрсаткичлари
(бирликда)

	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Хусусийлаштирилган давлат корхоналарининг (ишлаб чиқариш ва	1519	1228	980	673	631	392

ижтимоий соҳа объектлари) сони						
Шу жумладан:						
Акционер жамиятларга ўзгартирилган корхоналар сони	75	28	3	9	-	-
Масъулияти чекланган жамиятларга ўзгартирилган корхоналар сони	981	62	75	55	38	6
Хусусий шахсларга сотилган корхоналар сон	396	1038	902	599	593	386
Давлат пакетлари хусусий шахсларга сотилган акционер жамиятлар сони	972	446	117	88	60	27
Устав жамғармасида давлат улуши хусусий шахсларга сотилган масъулияти чекланган жамиятлар сони	124	365	382	119	23	53

2008 йилда инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларга 27 та акционерлик жамиятлари назорат ва чекловчи, акцияларнинг давлат пакетлари 53 та МЧЖнинг устав жамғармаларининг улуши сотилган. Бу кўриб чиқиладиган йилда сотилган мазкур активлар кўрсаткичидан хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган ва ўтган йилги амалга оширилган кўрсаткичлардан анча кам. Устав жамғармасидаги давлат улуши хусусий шахсларга сотилган МЧЖлар бундан истисно.

Акцияларнинг давлат пакетларини ҳамда МЧЖ устав жамғармаларида улушларни сотиш ҳажмларининг камайиши куйидаги омилларга боғлиқ:

- Ўзбекистоннинг хўжалик юритувчи жамиятлари инвестицион жозибадорлигининг пасайиши;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли хорижий инвесторлар учун хусусийлаштирилаётган объектлар қийматининг юқорилиги.

қайд этиб ўтилган омиллар таъсири туфайли иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги қатор корхоналарнинг юқори ликвидли давлат пакетларининг савдога қуйилиши вақтинча тўхтатилди.

Хусусийлаштиришнинг ушбу босқичига хос хусусиятлардан бири — давлат мулкнинг сотилишига устуворлик берилиши, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари корхоналарининг акциялари, биржадан ташқари бозорда танлов савдолари ҳамда инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан сотиш ҳисобланади. Хусусийлаштиришнинг бу усулларига устуворлик беришнинг сабаби шундаки, янги мулкдорлар нафакат объектнинг хусусийлаштириш мажбуриятини тўлаш, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маълум бир инвестиция суммасини киритиш шартини ҳам қабул қилиб сотиб оладилар. Шу тарзда, 2008 йилда акцияларнинг давлат пакети ва бошқа мулк шакллари сотиб олувчилар томонидан 34,2 млрд. сўм ва 54,8 млн. доллар миқдорида инвестицион мажбуриятлар қабул қилинган.

Инвесторларга танлов асосида «ноль» сотув қийматида 50 та иқтисодий ночор давлат корхоналари ва ижтимоий инфраструктура объектлари қарзларни ёпиш, хусусийлаштирилаётган объектни иқтисодий ва молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган инвестицион мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан берилган. Сотиб олишга сарфланган харажатлардан ташқари хусусий шахслар олган инвестицион мажбуриятларининг умумий қиймати 15,6 млрд. сўм ва 17,6 млн. долларни ташкил қилди.

2008 йилда Давлат Мулк қўмитасининг махсус ҳисобларига хусусийлаштириш ва давлат активларидан фойдаланишдан 130,7 млрд. сўм тушди. Ушбу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 17,2% га кўпдир. Сотилган объектлар миқдорининг камайишига карамай, хусусийлаштиришдан тушган тушумларнинг ўсиши, қатор йирик корхоналар, жумладан. «Алгоритм» - 45,5%, «Тошкоммунал таъминот» - 48,0%, «Сувмаш» - 47% каби акционер жамиятлари акциялар пакетининг хусусий мулкка сотилиши натижасида амалга ошди.

1.3. Иқтисодийни модернизациялаш ва техникавий қайта куроллантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бағишланган асарида 2009-2014 йилларга мўлжалланган мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратди. Ушбу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқдарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топган.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi бу жараёни янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқдарини жадал модернизация қилиш, техник ва технологиялар, қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

«Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекта, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди»⁸.

⁸ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз Фаровонлигини янада ксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистан». 2010. 43-6.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 42,5 млрд. доллардан зиёд бўлган қарийб 327 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 2009 — 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 73,5% и янги қурилиш, 23,1% и модернизация ва тиклашга, 3,4% и бошқа йўналишларга сарфланади (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоратadbирлари Дастури⁹

Инвестицияларнинг йўналиши	Лойиҳаларнинг умумий қиймати	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижорат банклари кредитлари
Молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	15 395	2 795	468	12 132
Модернизация ва тиклаш	6 419	2 922	1 051	2 446
Бошқа йўналишлар	1 160	101	-	1 059
Жами	22 974	5 818	1 519	1 059
Ишлаб чиқариш босқичидаги янги инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	9 580	2 624	942	9 014
Модернизация ва тиклаш	2 409	936	182	1 292
Бошқа йўналишлар	256	—	-	256
Жами	12 245	3 560	1 124	7 561
Дастлабки тарзда ишлаб чиқилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	6 286			
Модернизация ва тиклаш	1 014			
Жами	7 300			


⁹ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва республиканинг барқарор ривожланишнинг таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқбоддаги устувор йўналишлари ва 2010 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари шамда долзарб масалалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари. - Т.: 2010.

2009 - 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 50,6% и нефть ва газ тармоғи, 13,7% и транспорт ва инфратузилма, 10,6% и энергетика соҳаси, 7,3% и кимё саноати, 4,54% и тоғ-кон ва металлургия саноати, 2,7% и машинасозлик соҳаси, 2,3% и қурилиш моллари ишлаб чиқариш, 2,1% и енгил саноат, 1,4% и «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва 4,9% и бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади (1.3.1-расм).

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида асосий капиталга сарфланаётган инвестицияларнинг технологик таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, Россияда 2006 йилда асосий капиталнинг эскириш даражаси саноатда 45% ни, электроэнергетика соҳасида 60% ни, қазилма бойликларни қазиб олиш секторида 21,9% ни, қайта ишлаш саноатида 17% ни ташкил этган. Ушбу тармоқлардаги асбоб-ускуналарнинг ўртача хизмат муддати 20 йилдан ошиб кетган ва бу ҳолат асосий капитални янгилаш, модернизациялашни тақозо этади.

Россияда 2005 йилдан бошлаб инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш монтаж ишлари, биноларни қуриш 2006 йилгача ўртача 43,5% ни ташкил этган. Асосий капиталга сарфланаётган инвестиция таркибида машина, ускуна, жиҳозларга сарфланган харажатлар улуши 1995 йилда 29,9% ни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 40,5% гача ортган бўлса, 2007 йилга келиб ушбу кўрсаткич 37,4% гача пасайганлигини кузатиш мумкин¹⁰.

¹⁰ Алексеев А.В., Кузнецова Н.Н. Современные инвестиционные приоритеты в российской промышленности. //ЭКО, № 4, 2009. С. 11,14,15.; В-Цветков. Подкрепить инновационное развитие промышленной политикой. // Экономист, № 3, 2009. С.33, 34.



1.3.1-расм. 2009 – 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган
инвестицион лойиҳалар Дастури, млн.долл.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг технологик таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2000 — 2008 йилларда сарфланаётган инвестицияларнинг технологик таркиби асосий капиталнинг пасив қисми ҳисобланган қурилиш-монтаж ишлари, биноларни қуриш учун сарфланаётган харажатлар улуши 61,0% дан 45,4% га ёки 15,6 пунктга камайган. Шу билан бирга асосий капиталга сарфланаётган инвестиция таркибида машина, ускуна, жихрзларга сарфланган харажатлар улуши 25,0% дан 42,4% гача, яъни 17,4 пунктга ортди (1.3.2-жадвал).

1.3.2.-жадвал

Ўзбекистонда инвестицияларнинг технологик таркиби ўзгариши, жамига
нисбатан фоиз ҳисобида

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Инвестициялар, жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:									
қурилиш-монтаж ишлари	61,0	48,2	53,1	46,5	46,5	48,7	49,6	56,8	45,4
Жихозлар, ускуналар, инвентарлар учун харажатлар	25,0	39,5	35,1	41,5	43,6	38,7	38,1	31,7	42,4
Бошка ишлар ва харажатлар	14,0	12,3	12,3	12,0	10,8	10,8	12,3	11,5	12,2

Ушбу ҳолат иқтисодиётга сарфланаётган инвестицияларнинг асосий фондларни замонавийлаштиришга, тўла янгилашга сарфлаш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

II БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

2.1 Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни бориши ва ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 29 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши шунингдек, Инқирозга қарши дастур доирасида қабул қилинган қатор Ҳукумат қарорлари бўйича белгиланган топшириқларни бажарилиши натижасида 2010 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 12,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 23,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз, капитал қуйилмалар 3,9 фоиз, қурилиш ишлари 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 20,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажмини 16,1 фоизга ўсишига эришилди.

ЯҲМдаги саноатнинг улуши 7,2 фоизни (2009 йилда 7,1%), қурилиш 7,1 фоизни (7,3%), қишлоқ хўжалиги 34,1 фоизни (33,8%), транспорт ва алоқа 8,1 фоизни (7,9%), бошқалар 35,2 фоизни (35,3%) ташкил этди. Шунингдек, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 76,0 фоизга (72,4%) тўғри келди.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, тўлов интизоми ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2010 йил январ-декабр ойлари якуни билан барча манбалар ҳисобидан 206,5 млрд.сўмлик кредитлар берилиб, бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 мартага ўсди. Ажратилган кредитларнинг 148,7 млрд.сўми ёки 72,0 фоизи узоқ муддатли кредитдир.

Вилоятда 2010-2014 йилларга мўлжалланган бюджет дотациясини қисқартириш ҳудудий Дастурини ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб борилди. Натижада вилоятда 2010 йил давомида маҳаллий бюджет даромадлари 612,4 млрд.сўмни, бюджет харажатлари 612,4 млрд.сўмни ташкил этиб, белгиланган бюджет даромадлари прогнози бажарилди.

Дотация миқдори 156,6 млрд.сўмни, маҳаллий бюджет харажатидаги улуши эса 25,6 фоизни (2009 йилда 27,1% бўлган) ташкил этиб, прогнозга нисбатан 0,9 пунктга камайтиришга эришилди (прогноз 26,5%).

Дотация улуши асосан Янгиқўрғон (38,1%), Норин (36,4%), Чортоқ (35,1%), Мингбулоқ (35,0%) ва Косонсой (32,3%) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, маҳаллий бюджет олдидаги боқиманда қарзлар вилоят бўйича 26,5 млрд.сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 2,1 млрд.сўмга (92,5%) камайтирилган бўлсада, қарздорлик Наманган шаҳри (9,0 млрд.сўм), Учқўрғон (2,7 млрд.сўм), Уйчи (2,0 млрд.сўм), Поп (1,7 млрд.сўм), Тўрақўрғон (1,6 млрд.сўм) ва Норин (1,5 млрд.сўм) туманларида юқори бўлди.

2010 йилнинг 1 декабр ҳолатига вилоят бўйича жами дебиторлик қарздорлик 130,0 млрд.сўмни ташкил этди. Муддати ўтган қарздорлик эса 2,0 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,0 млрд.сўмга камайтиришга эришилди.

Жумладан, муддати ўтган дебитор қарзларни камайиши шу даврда Наманган шаҳри, Наманган, Мингбулоқ, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида таъминланди (5,0-92,5%), Косонсой, Уйчи ва Учқўрғон туманларида мавжуд муддати ўтган қарздорликларни тўлиқ тугатилди.

2010 йилда муддати ўтган кредитор қарзлар вилоят бўйича 4,2 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,3 млрд.сўмга қисқарди. Жумладан, Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Косонсой, Наманган, Поп, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида қарздорликни камайтиришга ҳамда Уйчи, Янгиқўрғон туманларида тўлиқ тугатишга эришилди.

Хисобот даврида умумий кредитор қарздорлик 144,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 55,3 млрд.сўмга (162,1%) ортди. Шунингдек, муддати ўтган кредитор қарздорлик Норин туманида 55,6 млн.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 107,3 фоизга (туман "Машина трактор парки" (47,5 млн.сўм) ва "Матлубот улугуржи чакана свдо" АЖ (8,1 млн.сўм) корхоналари ҳисобига), Чортоқ туманида 65,6 млн.сўм ёки 2 марта (туман "Йўл қурилиши ва йўлдан фойдаланиш" корхонаси ҳисобига) ва Чуст туманида 32,8 млн.сўм (туман "Машина трактор парки" (4,5 млн.сўм) ва "Рау-Томь" қ.к (28,2 млн.сўм) корхоналари ҳисобига) ўсган.

2010 йил 1 декабр ҳолатига 5 та корхона фаолиятини 1942,4 млн.сўм зарар билан якунлади. Зарар суммаси 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 291,2 млн.сўмга камайган бўлсада, зарар кўрган корхоналар сони 1 тага ортган.

Наманган шаҳридаги "Иссиқлик-манбаи" шаҳар бўлими корхонаси 920,5 млн.сўм (Корхона томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Натижада истеъмолчиларга 113 минг Гкал иссиқлик қуввати кам етказиб берилган. Электр ва газ таъминотидаги узилишлар натижасида харажатлар ошиб кетган), "Биосервис" АЖ 92,4 млн.сўм (Туманларда биолобараториялар сонини кўпайиши натижасида корхона маҳсулотига талаб камайган ва 70 млн.сўмлик маҳсулот сотилмай қолган. Натижада корхона 92,4 млн.сўмлик зарар кўрган.) ,

Наманган вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот яратилиши

№	Кўрсаткичлар	2009 йил январ-декабр				2010 йил январ-декабр			
		ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор %	ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор %
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	1863,4	109,9	100,0	117,0	2426,6	112,4	100,0	115,3
	<i>шу жумладан:</i>								
2	Саноат ишлаб чиқариш	131,5	107,6	7,1	115,3	173,8	119,0	7,2	115,7
3	Қурилиш	135,9	115,7	7,3	120,3	171,4	131,3	7,1	108,1
4	Қишлоқ хўжалиги	630,1	103,8	33,8	115,1	827,0	106,5	34,1	122,2
5	Транспорт ва алоқа	147,2	105,7	7,9	119,8	196,5	111,8	8,1	109,2
6	Савдо ва умумий овқатланиш	159,5	112,0	8,6	109,0	200,9	114,2	8,3	112,5
7	Солиқлар	134,6	112,9	7,2	102,5	130,2	115,7	5,4	102,2
8	Бошқалар	72,1	122,7	28,1	112,3	726,7	115,2	29,9	144,8
	<i>шу жумладан;</i>								
9	ЯХМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	х	72,4	х	х	х	76,0	х
10	ЯХМ даги хизматлар улуши	х	х	44,6	х	х	х	46,3	х

2.1.2-жадвал

Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни бориши ижтимоий иқтисодий ривожданишнинг асосий кўрсаткичлари
хажми-жорий баҳоларда, фоизлар солиштирма баҳоларда

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
				прогноз	ҳақиқатда		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб.ўсиш суръати
1.1.	Ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)	млрд.сўм	1863,4	2373,7	2426,6	112,4	361,3	107,4
	шу жумладан;							
	ЯҲМ даги кичик бизнеснинг улуши	%	72,4	72,9	76,0	х	73,3	х
	ЯҲМ даги хизматлар улуши	%	44,6	46,5	49,2	х	51,5	х
1.1.1.	Аҳоли жон бошига ЯММ	минг сўм	830,0	1033,3	1062,3	110,4	155,5	107,0
1.2.	Саноат маҳсулотлари хажми	млн.сўм	534531,2	670046,2	748671,4	123,7	182820,0	112,5
1.3.	Халк истеъмоли моллари ишлаб чикариш	млн.сўм	329546,7	414520,0	441874,7	115,5	99706,0	110,5
1.4.	Кишлоқ ҳужалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	909982,7	1075200,0	1162933,0	106,5	71535,7	105,0
1.5.	Капитал қуйилмалар хажми	млн.сўм	478242,4	473930,1	554002,2	103,9	89357,4	102,3
1.6.	Пудрат ишлари хажми	млн.сўм	236713,7	315588,0	340901,7	131,3	60937,3	109,0
1.7.	Чакана савдо айланмаси	млн.сўм	990799,2	1257400	1318801,6	120,0	385000	112,1
1.8.	Пуллик хизмат курсатиш хажми	млн.сўм	337247,4	433500	434017,0	116,1	126000	112,5
	шу жумладан, маиший хизмат хажми	млн.сўм	67788,4	85000	87726,7	122,5	25586,9	110,0
1.9.	Маҳаллий бюджет даромадлари	млн.сўм	482899,2	604881	612359,7	126,8	154374,9	127,6
1.10.	Маҳаллий бюджет харажатлари	млн.сўм	474999,8	604881,8	612359,6	128,9	154374,9	120,2
1.11.	2010 йил 1 декабр ҳолатига дебиторлик карзи	млн.сўм	65936,5	х	130020,0	197,2	х	х
	Шу жумладан муддати ўтгани	млн.сўм	3144,4	х	2066,9	65,7	х	х
1.12.	2010 йил 1 декабр ҳолатига кредиторлик карзи	млн.сўм	99035,1	х	144428,5	145,8	х	х
	Шу жумладан муддати ўтгани	млн.сўм	5281,4	х	4231,2	80,1	х	х

1.13.	Акционерлик жамиятлари сони (АЖ)	бирлик	90	х	89	98,9	89	100,0
1.13.2.	АЖ да ишчи-хизматчилар сони	минг киши	25,2	х	25,4	100,8	25,4	100,0
1.13.3.	АЖда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми	млн.сўм	279624,4	335498,7	340531,2	121,8	85132,8	108,0
1.14.	Хусусийлаштирилган объектлар ва корхоналар сони	дона	3	х	11	3,6 м	х	х
	Транспорт:							
1.15.	Юк айланмаси	млн.т.км.	1025,4	985,3	1087,4	106,0	128,4	104,5
1.16.	Йуловчи айланмаси	млн.йул/км	2965,4	30648,5	3323,4	112,1	518,0	103,5
1.17.	Ташишдан тушган фойда:							
1.17.1	Юкдан	млн.сўм	21965,9	22103,1	22103,1	100,6	4354,6	112,1
1.17.2.	Йуловчилардан	млн.сўм	88780,1	92120,3	92120,3	103,8	26484,6	105,9
1.19.	Ташки савдо айланмаси	минг \$	185689,7	178800,0	222418,4	119,8	35000,0	102,2
1.19.1.	Экспорт	минг \$	86203,3	86300,0	119500,9	138,6	15500,0	102,7
1.19.2.	Импорт	минг \$	99486,4	92500,0	102917,5	103,4	19500,0	101,9
1.20.	Йил охирига доимий яшовчи аҳоли сони	минг киши	2259,0	2297,3	2298,7	101,8	2324,0	102,5
1.21.	Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони	минг киши	1285,3	1321,0	1322,0	102,9	1336,5	103,0
1.22.	Бандлик ҳизматидан рўйхатдан ўтган ишсизлар сони	минг киши	8,6	х	4,5	52,3	х	х
1.23.	Ўртача иш ҳаки	сўм	341189,0	х	467202,7	136,9	х	х

“Хаин-Текс” 22,4 млн.сўм ва “Нам текс” МЧЖ 897,6 млн.сўм (Корхоналарда эскирган жиҳозларини янгилаш, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ ишларни амалга оширилганлиги сабабли корхоналар тўла қувват билан ишламаган) ва Поп туманидаги “Матлуботнурсавдо” МЧЖ 9,5 млн.сўм зарар кўрди. (Ажратилган ун ва ёғ маҳсулотларини ўз вақтида ололмаганлиги, дўконлар биноларини таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ҳамда кредит фоизларини ошиб кетганлиги натижасида).

2.2. Наманган вилояти иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ва реал сектор тармоқларини ривожланиши

Наманган вилоятида 2010 йил якуни билан барча манбалар ҳисобига 554,0 млрд.сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,9 фоизга ўсишга эришилди.

Шундан, 32,4 млрд.сўм давлат бюджети, 177,7 млрд.сўм корхона ва ташкилотлар маблағлари, 40,0 млрд.сўм бюджетдан ташқари фондлар, 36,0 млрд.сўм хорижий инвестициялар, 93,6 млрд.сўм банк кредитлари, 174,3 млрд.сўми хусусий шахслар маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Бироқ, 2010 йилда капитал маблағлар ўзлаштириш ҳажми Поп (13,3%) туманида 2009 йилга нисбатан камайтириб юборилган.

Пудратчи ташкилотлар томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми 340,9 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133,1 фоиз ўсишга эришилган ёки белгиланган прогноз (прогноз 126,5%) 4,8 пунктга ортди.

2010 йилда барча манбалар ҳисобидан 769,4 минг кв.м. турар-жой бинолари қурилиши белгиланган бўлиб, амалда 864,0 минг кв.м. турар-жойлар қурилиб, йиллик режага нисбатан 112,3 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, 2010 йил давомида 165,0 км тоза ичимлик суви ва 60,0 км табиий газ тармоқлари тортилиши белгиланган бўлиб, амалда 188,4 км

ичимлик суви ва 93,5 км табиий газ тармоқлари тортилиб, режа мос равишда 114,2 ва 155,8 фоизга бажарилган.

Дастурга мувофиқ, 2010 йилда марказлашган маблағлар ҳисобидан жами 12,6 млрд.сўм капитал маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар эвазига Наманган шаҳридаги Минтақавий кардиожаррохлик марказини реконструкция қилиш (2-навбати), вилоят Қон қуйиш марказини реконструкция қилиш, 7 та поликлиникалар, 450 ўқувчи ўринли 5 та янги касб-ҳунар коллежлари учун ётоқхоналар қуриш, 3 та қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, 1 та харбий чақирув йиғинини реконструкция қилиш ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 11,5 млрд.сўм капитал маблағ ажратилиб, (ушбу маблағларга янги қурилиш ҳисобига 2700 ўқувчи ўринли 5 та ва реконструкция ҳисобидан 8300 ўқувчи ўринли 9 та) жами 11000 ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” ҳисобидан 16 та объектда янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бу мақсадларга 11,7 млрд.сўм капитал маблағлар йўналтирилиши режалаштирилган.

2010 йил якуни билан бюджет маблағлари ҳисобидан 5 та касб-ҳунар коллежлари ва 2 та академик лицейлар учун жами 650 ўринли янги ётоқхоналар, 3 та қишлоқ аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш объекти, соғлиқни сақлаш объектларидан реконструкция қилиш ҳисобига вилоят Қон қуйиш маркази ва 7 та поликлиникаларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб объектлар фойдаланишга топширилди.

Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларга инвестицияларни жалб қилиниши

№ т/р	Курсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
				прогноз	ҳақиқатда		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб.ўсиш суръати
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Молиялаштиришнинг барча манбалари хисобидан капитал қўйилмалар хажми	млн.сўм	478242,4	473930,1	554002,2	103,9	89357,4	102,3
	шу жумладан:							
1.1.	Ишлаб чиқариш соҳасида	млн.сўм	306848,4	142179,0	188205,6	61,3	31275,1	104,7
1.2.	Ноишлаб чиқариш соҳасида	млн.сўм	171394,0	331751,1	365796,6	213,4	58082,3	119,8
2.	Тугалланмаган қурилиш хажми	млн.сўм	-	-	-	-	-	-
3.	Асосий воситаларни ишга тушириш	млн.сўм	-	-	-	-	-	-
4.	Ўз кучлари эвазига бажарилган пудрат ишлари	млн.сўм	236713,7	315588,0	340901,7	131,3	60937,3	109,0
5.	Жами капитал қўйилмалар	млн.сўм	478242,4	473930,1	554002,2	103,9	89357,4	102,3
5.1.	Марказлаштирилган инвестициялар:	млн.сўм	101454,3	65197,5	80521,6	79,4	19898,1	105,2
	- бюджет маблағлари	млн.сўм	62719,0	25173,5	32398,4	51,7	9524,5	113,0
	- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	млн.сўм	30594,2	34918,5	39983,6	130,7	9523,6	97,8
	- ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	8141,1	5105,5	8139,6	100,0	850	113,4
5.2.	Марказлаштирилмаган инвестициялар:	млн.сўм	376788,1	408732,6	473480,6	125,7	69459,3	116,9
	- корхоналарнинг ўз маблағлари	млн.сўм	199015,5	145352,6	177737,9	89,3	21354,5	112,4
	- тижорат банкларининг кредитлари	млн.сўм	51412,6	70065,7	93556,4	182,0	16952,3	123,3
	- тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	млн.сўм	12594,6	22960,0	27836,6	221,0	1500	114,7
	- аҳоли маблағлари	млн.сўм	113765,4	170354,3	174349,7	153,3	29652,5	116,8

Шунингдек, мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан янги қурилиш ҳисобига 2700 ўқувчи ўринли 5 та ва реконструкция ҳисобидан 8300 ўқувчи ўринли 9 та жами 11000 ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаблари ва 2 та умумтаълим мактаби учун спорт заллар ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 10 та спорт иншоотлари, 3 та мусиқа ва санъат мактаблари, 3 та сузиш хавзалари жами 14 та объектлар фойдаланишга топширилди.

2010 йил Инвестиция дастурига асосан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича реконструкция қилиш ҳисобидан Кардиожаррохлик маркази объектида белгиланган қурилиш-монтаж ишлари якунланган. Объектга ўрнатиладиган ускуна ва жиҳозлар хориждан келтирилиши учун бюджет маблағларини (623,0 млн.сўм) конвертация қилиш масаласи 2010 йилнинг ноябр ойида ҳал этилганлиги сабабли жиҳозларни олиб келиш кечиккан. Бунинг ҳисобига объектни 2011 йилнинг январ ойида фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Худудий дастурга асосан 2010 йил давомида 55 та ишлаб чиқариш объектлари ишга тушириш белгиланган бўлиб, амалда 116 та йирик ва кичик ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилган ёки йиллик режа 2 мартага бажарилди. (Жумладан: Наманган шаҳрида 17 та, Мингбулоқ 7 та, Косонсой 9 та, Наманган 11 та, Норин 3 та, Поп 13 та, Тўрақўрғон 8 та, Уйчи 9 та, Учқўрғон 11 та, Чортоқ 6 та, Чуст 13 та ва Янгиқўрғон 9 та). Ушбу объектларга жами 38,4 млрд.сўм маблағлар сарфланган, йилига 83,9 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, яқин 2000 нафар янги иш ўринлари яратилган.

Вилоятга ҳисобот даврида 22,3 млн.долларлик жумладан, саноат соҳасига 13168,3 минг доллар (59,0%), алоқа 4018,3 минг доллар (18,0%), таълим 2981,5 минг доллар (13,4%) ва соғлиқни сақлаш соҳаларига 2159,0 минг доллар (9,7%) хорижий инвестициялар жалб этилди. Жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 17,2 млн.доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келади.

2010 йил якуни билан 3 та инвестиция лойиҳаси доирасида жами 15,8 млн.доллар миқдорда инвестиция маблағлари жалб қилинган.

Жумладан:

1. “HAIN TEX” хорижий корхонасида калава ип ишлаб чиқариш бўйича 2010 йилда 14,5 млн.доллар ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, 2010 йил якуни билан 4512,0 минг доллар (31,1 %) миқдорда хорижий инвестиция жалб қилиниб, йиллик режанинг 31,1 фоизини ташкил этган.

Бунинг асосий сабаблари жаҳонда вужудга келган иқтисодий кризис ва хом-ашё нархининг кўтарилиши ҳамда Жанубий Корея Республикаси банклари томонидан хорижий кредитлар ажратишда лимитларни чегараланганлиги муносабати билан дастурда белгиланган инвестицияларни ўзлаштириш масаласи инвесторлар томонидан қайта кўриб чиқилиб, тармоқ жадвали (сетевой график) тайёрлаб тасдиқланган.

Шунга кўра, жорий йилнинг декабр ойида 4,2 млн.долл ҳамда 2011 йилнинг 2-4 чораклари давомида 11,5 млн.долл миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига хат (2010 йил 9 декабрдаги 01/10-2966-сонли) юборилган.

2. Фарғона водийси худудидаги Наманган-Тергачи ва Чуст-Поп тармоғида геологик қидирув ишларини олиб бориш» лойиҳаси бўйича 2010 йилда 10,0 млн.доллар миқдорда хорижий инвестиция ўзлаштириш режалаштирилган.

2010 йил якуни билан 11,3 млн.долларлик (113,0%) хорижий инвестициялар жалб қилиниб, 10,4 млн.долл. (103,9%) маблағ сарфланди ва 998,8 пог.км сейсмик қидирув ва 1371,7 пог.км топогеодезия ишлари амалга оширилган. Ҳозирда қидирув ишлари олиб борилмоқда (Шунингдек, 2010 йил 29 августда тендер қўмитаси томонидан қудуқларни бурғулаш концепцияисни ишлаб чиқиш бўйича консорциум эълон қилинган. Тендер савдоларида “ЎзЛИТИнефтьгаз” ОТАЖ ғолиб бўлди ва шартнома тузилган. 2010 йил 21 декабрда тендер қўмитасининг йиғилишида ускуна ва жиҳоз

хамда кудуклар учун махсус қувурлар олиб келтириш бўйича очик тендер ҳужжатлари тасдиқланди. 2010 йил 29 декабрда очик тендер савдолари ўтказилган).

3. Наманган шаҳар Оқава сувларни тозалаш иншоотини реконструкция қилиши бўйича 2010 йилнинг 4-чорагида 1,0 млн.доллар миқдорда Ҳукумат қафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилиниши режалаштирилган.

Лойихани Дастлабки техник иқтисодий асослаш (ПТЭО) ҳужжатлари ХХРнинг “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти”га аъзо давлатларга ажратиладиган имтиёзли кредит линиялари ҳисобига молиялаштириш бўйича тайёрланиб, барча алоқадор вазирликларнинг ижобий ҳулосалари олинган.

Лойиханинг умумий қиймати 34,2 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, жалб этиладиган чет эл инвестицияси ҳажми 25,0 млн.АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги “2010 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1213-сонли қарорига асосан “Наманган шаҳар оқава сувларни тозалаш иншоотини кенгайтириш” лойихаси 2010 йил инвестиция дастури манзилий рўйхатига киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 23 декабрда 05/1-904-сон билан тасдиқланган лойихани амалга ошириш жадвали (сетевой график)га асосан объектда 1,0 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиши белгиланган.

Лойихани амалга ошириш учун Хитой пудратчилари ўртасида ўтказилган танловда 3 та Хитой компанияси иштирок этиб, 1 таси танловдан ўтмаган, 2 та компания эса ПТЭОда белгиланган миқдордан юқори суммага ишни бажариб беришни сўраган ва танлов жараёни охирига етмаган. Бунинг натижасида 2010 йилда 1,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилмаган.

Ушбу масала Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Идоралараро кенгаш йиғилишида кўриб чиқилиб, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, кенгаш раиси Р.Азимов томонидан 2010 йил 5 октябрда тасдиқланган (№02/1-190) 24-сонли баённоmanınинг 8-иловасига асосан “Наманган шаҳар оқава сувларини тозалаш иншоотини кенгайтириш” лойихаси 2010 йил инвестиция дастури манзилий рўйхатидан чиқарилиб, истиқболли инвестиция лойиҳалари йиғма рўйхатига ўтказилган.

Хозирда вилоят Сувоқава корхона томонидан лойиҳани амалга оширувчи пудратчилар бўйича қайта танлов ўтказиш ва белгиланган ишларни 2011 йилда амалга ошириш юзасидан тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

2.3 Наманган вилояти иқтисодиётининг саноат тармоғида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар таҳлили

Вилоятда 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 2316 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 1918 тани ташкил этди. Рўйхатдан ўтган саноат корхоналар сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 118,2 фоизга ёки 345 тага кўпайди.

Вилоятда саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пахта тозалаш, пойабзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли хиссаларини кўшиб келмоқда.

Жумладан, 2010 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари металлургия саноатида 1547,0 млн.сўмни (ўсиш суръати 172,8%), машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида 58,7 млрд.сўмни (2,5 марта), ёғочни қайта

ишлаш саноатида 17,8 млрд.сўмни (140,2%), қурилиш материаллари саноатида 31,5 млрд.сўмни (147,8%), енгил саноат тармоғида 333,2 млрд сўмни (119,0%), озиқ-овқат саноатида 204,4 млрд.сўмни (115,1%), дон маҳсулотлари саноатида 73,3 млрд.сўмни (111,2%), полиграфия саноати 1328,4 млн.сўмни (156,3%) ташкил этган ҳолда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори салмоғи енгил саноат (44,5%) ва озиқ-овқат саноати (27,3%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар томонидан 79,7 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,1 фоизга ўсди. Йирик саноат корхоналарининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 64,1 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик (12,8%) микрофирмалар (6,6%) уй хўжалиги ва яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, йирик саноат корхоналаридан 7 тасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан 6,5 млрд.сўмга пасайган (2009 йилда 11 та бўлган).

Ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирган корхоналарнинг 3 таси Наманган шаҳрига тўғри келиб, “Намимпекстекстил” АЖда (65,4%) кўшимча қувватлардан фойдаланиш даражаси йўқлиги, “Кока Кола” ҚК (94,2%) ва “Муслим-Текс” ҚКларида (18,6%) хом-ашё таъминотидаги узулишлар мавжудлиги ва маҳсулот харидорини йўқотганлиги ҳисобига, Наманган туманидаги “Наманганвино” АЖ (70,0%), “МРТ-Текстил” ХК (41,6%), Чуст туманидаги “Роу-Том” ҚК (87,2%) ва Янгиқўрғон туманидаги “Марвел Джус Ко” ҚК (85,0%) корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхона омборларида туриб қолиши ва маҳсулотларга харидорлар йўқлиги шунингдек, айланма маблағлар етишмаслиги оқибатида келиб чиққан.

Вилоятдаги йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқилган кўшимча тадбирларга асосан жорий йил якуни билан электр энергия, хом-ашё ва материаллар сарфи нормаларини тушириш, транспорт харажатларини

кисқартириш, бошқарув аппарати харажатларини камайтириш, маҳаллийлаштириш дастурига кириш орқали солиқ тўловларидан бўлган имтиёзлар, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксизлигини таъминлаш ва йўқотишларни камайтириш ҳисобига дастлабки маълумотларга кўра ушбу корхоналар томонидан 15,4 млрд.сўм иқтисод қилинмоқда.

Жумладан, “Учқурғондон” АЖда 608,3 млн.сўм, “Намангандон” АЖда 561,0 млн.сўм, “Попдонмахсулотлари” АЖда 127,5 млн.сўм, “Папфен” ҚҚда 1377,0 млн.сўм, “Водий ипаги” МЧЖда 281,3 млн.сўм, “Наманганмаш” АЖда 22,8 млн.сўм, “Маш-Хим” МЧЖда 168,8 млн.сўм, “Мех-Маш” МЧЖда 7,5 млн. сўмлик маблағлар иқтисод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли қарорига мувофиқ 2009-2012 йилларда вилоятда жами 129 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. 2010 йилнинг ўзида жами 56 та лойиҳаларни амалга оширилиши белгиланган бўлиб, режалаштирилган барча лойиҳалар амалга оширилди, ушбу лойиҳаларга 34,2 млрд сўм ва 9,1 млн доллар маблағ ўзлаштирилиб, қўшимча 2706 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан:

1. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 2010 йил якуни билан белгиланган 22 та лойиҳалар амалга оширилди, (шундан 13 таси модернизация, 9 та янги корхоналар ташкил этилди). Лойиҳаларни амалга оширишда жами 14,2 млрд.сўм маблағлар шундан 10,7 млрд.сўм ўз маблағи ва 3,5 млрд.сўм банк кредити ҳисобидан ўзлаштирилди ҳамда 694 та янги иш ўринлари яратилди.

(Ушбу йўналишда асосан аввалги йилларда вилоятда умуман ишлаб чиқарилмаган маҳсулот турларидан жорий йилда 2 тури яъни пайпоқ, бош кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган бўлиб, Норин туманида йилига 200,0 минг жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга “Собиров Улуғбек” хусусий корхонаси ишга туширилди ва йил

якуни билан 150,0 минг жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Наманган туманида йилига 8,0 минг дона бош кийимлар ишлаб чиқариш қувватига эга “Малика холис сервис” хусусий корхонаси ишга туширилди.)

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш бўйича 2010 йил якуни билан 19 та лойиҳалар амалга оширилди (шундан 5 таси модернизация, 14 та янги корхоналар ташкил этилди). Ушбу лойиҳалар бўйича 19,8 млрд.сўм шундан 12,2 млрд.сўм ўз маблағи ва 7,5 млрд.сўм банк кредити ҳисобидан маблағлар ўзлаштирилди ҳамда 607 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

3. Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишида 2010 йилда кўрсатилган маҳаллий минерал хом-ашё конларида 29,1 млн.дона пишган ғишт маҳсулотлари ҳамда 75 минг куб.мстр кум-шағал қоришмаси ишлаб чиқарилди. Вилоятдаги 15 та минерал хом-ашё конларида 2009-2012 йилларда 20 та корхона фаолият кўрсатиши режалаштирилган бўлиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу корхоналардан 17 таси томонидан Минерал ресурслар ва давлат геология қўмитасидан “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки” учун лицензия олинди ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

(“Наманган сув қурилиш” МЧЖ, Янгиқўрғон туманидаги “Искавот ғишт” хусусий корхонаси, “Кандиён ғишт” МЧЖ, “Қандиён Бунаш”, Чуст туманидаги “6-ХМКК” МЧЖ қошидаги “Чуст боғи шамол ғишт” шўъба корхонаси, “Тўйчи полвон ота” ХАФ, “Чуст саҳоват” МЧЖ, “Жахон диёр файз” МЧЖ, Уйчи туманидаги “А.Шерматов” МЧЖ, Поп туманидаги “Кооператив кровля” МЧЖ, Мингбулоқ туманидаги “А.Абдулбориев” МЧЖ, Тўрақўрғон туманидаги “Шоҳидон ғишт” ХК, “Наманган карьер” МЧЖ, Наманган шаҳридаги “Муслим таъмир қурилиш” МЧЖ, “Наманган темир бетон буюмлари заводи” МЧЖ, Учқўрғон туманидаги “Камалак савдо” хусусий харид ишлаб чиқариш корхонаси, Косонсой туманидаги “Косонсой керамик маскани” ШК томонидан лицензия олинган).

Минерал хом-ашё конларида геология қидирув ишларини ташкил қилиш бўйича 2009-2012 йиллар давомида 8 та минерал хом- ашё конларида 10 та корхона томонидан геология қидирув ишлари олиб бориш режалаштирилган. Хозирда 4 та конда геология қидирув ишларини олиб бориш бўйича 6 та корхоналар (“6-ХМКК” МЧЖ қошидаги “Чуст олтин тошлари” шўъба корхонаси, “Журъат келажак” МЧЖ, “Зебунисо Али” хусусий фирмасы, “Абдуманнон Сайфинисо она”, “Тохиржон Евро қурилиш савдо” МЧЖ, “Наманган темир бетон буюмлари заводи” МЧЖ) лицензия олгани ҳолда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Мингбулоқ туманидаги “Мингбулоқ қурилиш савдо” МЧЖ ҳамда Тўрақўрғон туманидаги “Мингбулоқ махсус техника” МЧЖлар томонидан лицензия олиш учун ҳужжатлар тўплами Минерал ресурслар ва давлат геология қўмитасига тақдим этилган ва тегишли вазирликлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Қолган 2 та корхонада геология қидирув ишлари олиб бориш бўйича лицензия олиш учун ҳужжатлар тўплами тайёрланмоқда.

4. Ҳорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда янги лойиҳаларни ташкил этиш бўйича 2010 йил якуни билан 3 та лойиҳа (“МРТ Текстиль” ХК 2 та лойиҳаси ва “Тошбулоқтекс” ҚК) бўйича 7,2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинган ва 70 та янги иш ўринлари яратилган. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг 6,4 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 0,8 млн. АҚШ доллари ўз маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, 2009-2012 йиллар давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар ташкил этиш топшириғига асосан 7 та янги корхоналар ташкил қилиш режалаштирилган бўлиб, 010 йил якуни билан 3 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, Наманган шаҳридаги “Тулифарм” МЧЖ негизида инфузион эритма ишлаб чиқариш бўйича 2010 йилнинг 19 январь куни Ўзбек-Англия “Мэрри Мед Фарм” қўшма корхонаси ташкил этилиб давлат рўйхатидан ўтказилди. Корхона таъсисчилари “Тулифарм” МЧЖ (Ўзбекистон) ва “Тера Лайн Инвест ЛТД” (Англия) компанияси.

Ҳозирги кунга қадар корхонада ўз маблағлари ҳисобидан 555 минг АҚШ доллари ўзлаштирилиб, хорижий инвестиция ҳисобига 371 минг АҚШ доллари миқдоридаги технологик жиҳозлар ва хом-ашёлар келтирилган. Жами ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 926 минг АҚШ долларини ташкил этган. 2011 йил 1-чораги якунига қадар яна қўшимча 180 минг АҚШ долларилик инвестиция (хом-ашё) жалб қилиниши кўзда тутилган. Корхонада жиҳозларни ўрнатиш, қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишлари якунланган. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан фаолият юритиши учун лицензия олган ва “Ўзфармсаноат” компанияси таркибига киритилган. Ҳозирда 9 турдаги дори-дармон воситаларини ССВда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Корхонани 2011 йилнинг 1-чораги якунига қадар корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйилади. Ҳозирги кунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ишлари якунланмаган.

Наманган шаҳридаги “Шанхай Наманган Индустрия ЛТД” қўшма корхонасида ғовак бетон ва безак тошлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича “Травертинтош” МЧЖ ташкил этилган. Травертин ва мрамор тошлари қазиб олиш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 30 та янги иш ўринлари яратилган. Тегишли тартибда лицензия ва сертификат олинган. Корхона ўз маблағи ҳисобидан 100 млн. сўмлик олмос диски мрамор ва травертин тош кесадиган жиҳозлар сотиб олинган ва ишга туширилган. Фаолиятни кенгайтириш учун хорижий ҳамкор талаб этилади.

Тўрақўрғон туманидаги “Оқтош тайёрлаш бутлаш” давлат корхонасида мебель ишлаб чиқариш ва пластмассадан маҳсулот ишлаб чиқариш учун термопласт автомат ўрнатиш лойиҳаси бўйича мазкур объект ҳудудий танлов комиссиясининг 20.07.2010 йилдаги қарорига асосан фуқаро С.Гаффаровга бир йил муддатда қарорда белгиланган лойиҳани амалга ошириш учун 183 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан “О” қийматда берилган. Инвестор томонидан шартнома шартларига ҳамда бизнес режага мувофиқ

2010 йил 3 ва 4-чораги давомида 77,3 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган ва 4 та янги иш ўринлари яратилган. Корхонани 2011 йил 3-чорагида тўла ишга тушириш режалаштирилган.

Қолган 6 та лойиҳаларнинг паспортлари ва инвестиция таклифлари тайёрланиб, Иқтисодиёт ва ТИАИС вазирликларига тақдим этилган. ТИАИС вазирлиги томонидан ушбу лойиҳалар Инвестицион таклифлар ягона базасига ва хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва жалб қилиш “Ўзинфоинвест” веб-сайтига жойлаштирилган.

5. Истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича 2010 йил мобайнида Дастурга киритилган корхоналар томонидан ўтган вақт давомида 808,1 минг. АҚШ доллари ва 14 986 млн. сўмлик инвестициялар киритилди ва 2011 йил 1 январь ҳолатига 39 561 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Дастурга мувофиқ ўтган давр мобайнида 1135 та иш ўринлари яратилди ва қайта тикланди ҳамда 2010 йилда 19 корхоналарда 30 та тадбирлар бажарилган.

2010 йилда “Ўзрубериод”, “Косонсой парранда”, “Карбонам”, “Барион” ва “Қўғайтаъмирлаш”, “Феруз” МЧЖ ҳамда “Нотўқимачи” АЖ корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси оширилди. Шунингдек, “Наманган қоғози”, “Косонсой тўқимачи”, “Tradewell International”, “Водий ипаги”, “Инвест Тех ИБ”, “Клайна-Текстил” ва “Норин йигирув-тўкув”, “Нам Текс” МЧЖ, “Шарқ пайабзал” МЧЖ корхоналаридаги мавжуд қувватлар қайта тикланди, шунингдек, “Каптекс” МЧЖда (собик “Уйчи йигирув-тўкув”) реконструкция ишлари олиб борилди.

Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Улчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
				прогноз	ҳақиқатда		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб.ўсиш суръати
1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	534531,2	670046,2	748671,4	123,7	182802,0	112,5
1.1.1.	Нодавлат секторида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	- // -	534531,2	670046,2	748671,4	123,7	182802,0	112,5
	Ҳудудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	- // -	162064,2	240164,7	269648,3	138,1	62412,0	120,0
1.1.2.	Саноат корхоналари сони	бирлик	1971	2316	2316	117,5	2316	100,0
	шундан фаолият кўрсатаётгани	- // -	1623	1918	1918	118,2	1918	100,0
	шу жумладан,							
	Йирик саноат корхоналари	- // -	43	40	40	93,0	40	100,0
	шундан фаолият кўрсатаётгани		41	39	39	95,1	39	100,0
	Кичик корхоналар	- // -	155	151	151	97,4	151	100,0
	шундан фаолият кўрсатаётгани		146	143	143	97,9	143	100,0
2.	ХИМ ишлаб чиқариш	млн.сўм	329546,7	414520,0	441874,7	115,5	99706,0	110,5
	шу жумладан							
	Озик-овкат маҳсулотлари	млн.сўм	218390,0	261247,1	270579,7	107,6	60775,0	106,0
	Ноозик-овкат маҳсулотлари	- // -	96870,4	141264,1	162237	142,3	36872,0	132,3
	шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари	- // -	43099,7	65132,8	69509,2	128,1	15797,5	125,6
	Вино-арок ва пиво ичимликлари	- // -	14286,3	12008,8	9058	52,8	2059,0	100,0
3.	Аҳоли жон бошига тугри келадиган ХИМ	сўм	146850,3	182447,5	193431,4	113,4	46055,1	108,0
	Озик-овкат маҳсулотлари	минг.сўм	97,3	118,4	118,4	121,7	43,3	120,0
	Ноозик-овкат маҳсулотлари	- // -	43,2	71,0	71,0	164,5	26,6	150,0
	шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари	- // -	19,2	30,4	30,4	158,4	6,9	142,0
	Вино-арок ва пиво ичимликлари	- // -	6,4	4,0	4,0	62,3	0,9	100,0

6. Кооперациялашган етказиб беришлар асосида ишлаб чиқариш хажмини кенгайтирган ҳолда йирик саноат корхоналарида хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 6 та корхонада 11 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 882,6 минг доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган ва 160 та янги иш ўринлари яратилган.

7. Дастурнинг янги иш ўринлари яратиш топшириғига мувофиқ 2010 йилда жами 71039 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, 2010 йил якуни билан 71159 та янги иш ўринлари яратилди ёки бу кўрсаткич йиллик дастурга нисбатан 100,2 фоизни ташкил этди. Иш жойларининг 6469 таси (79,5%) қишлоқ жойларда яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 22126 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 5192 та, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига 9837 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 1763 та, ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 5571 та, бозор инфратузилмани ривожлантириш ва ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 581 та ҳамда уй меҳнатини ташкил қилишда 26089 та янги иш ўрни яратилди.

III. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муаммолари

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири сармоявий фаолиятни жонлантириш ва унинг иқтисодий ўсишни таъминловчи янги механизмни ишлаб чиқишдан иборат. Инвестицион фаолликни жонлантириш маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтаётган барча мамлакатлар дуч келган энг мураккаб муаммолардан биридир. Уни фақат бошқарувнинг монетар усуллари ёрдамида осонгина ҳал этиб бўлмайди. Инвестициявий фаоллик кўплаб омилларга боғлиқ, бинобарин, уни бошқаришнинг биронта усулини алоҳида кўрсатиш мумкин эмас.

2001 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш, энг аввало, капитал маблағлар ўзлаштирилиши ва замановий технологик ускуналар билан жихозланган янги прогрессив ишлаб чиқариш ҳаракатга келтирилиши асосида таъминлана бошлади.

Лекин хўжалик субъектларида ҳамон молиявий ресурсларнинг етишмаслиги сармоя кўйиш даражаси ошишини чегаралаб турувчи асосий сабаб бўлиб келмоқда. Таклиф этилаётган ишлаб чиқариш омиллари - ишчи кучи, ускуналар, конструкцион материаллар тўлов қобилятига эга талабдан юқори бўлмоқда. Бу эса инвестицион товарлар ишлаб чиқараётган тармоқ маҳсулотлари баҳоси бошқа товарлар нархига нисбатан пасайишига сабаб бўлади.

Бозор ислохотлари баъзи корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келади. Бу ҳолат фақат реал фойданинг (нарх даражасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда) пасайишида эмас, балки

рентабеллик даражаси кутилганидан камайишида, зарар келтираётган ишлаб чиқариш кўпайиши, қарзлар ва тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги даражаси ошишида ҳам намоён бўлди. Қарзлар ортиб бориши таъминотчи ва истеъмолчининг қаттиқ молия - кредит сиёсатига муносабати маҳсули бўлиб, корхоналарнинг мана шу тадбирлар ва янги шароитда ишлашга салбий муносабатидан гувоҳлик беради. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, пул кадрсизланиши ва шартномавий интизом сустрити жараёнида қарзларнинг вақтида тўланмаслик ҳолати айрим корхоналар ва банкларнинг тижорат маиғаатлари доирасига кириб, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаслигидан кўшимча даромад олиш учун фойдаланиш, маблағларнинг воситачи, молия-кредит операцияларига жалб этиш ҳолларига олиб келаяпти.

Инвестицион соҳа ислоҳотида хусусийлаштирилган корхоналарнинг сармоявий фаолиятига ҳам муҳим ўрин ажратилади. Корхоналар мулкини ва акцияларини сотиш ҳисобига капитал маблағларни молиявий таъминлаш учун кўшимча имкониятларга эға бўлади, деб ҳисобланади. Аммо акцияларга талаб сустрлиги ва уларнинг катта қисми корхона меҳнат жамоаси ҳамда маъмуриятга бириктирилганлиги туфайли бир қатор ҳолатларда хусусийлаштиришнинг инвестицион самарадорлиги кутилганидан паст бўляпти. Яна шуни таъқидлаш керакки, ички ва ташқи сармоядорларни жалб этиш учун эркин бозорда ўз акцияларини жойлаштиришда уларнинг манғаатдорликлари ҳисобга олинмаган, корхоналарда қизиқтириш механизми яратилмаган. Акционерлик жамиятларига айлантрииш жараёни акцияларни сотиш ва иккиламчи бозорда уларнинг баҳосини кўтариш ҳисобига кўшимча инвестициялар тушуриш манбаига айланмади.

Инфляциянинг пасайиши, банк фойиз ставкалари камайиши ва давлат қисқа муддатли облигациялари даромадлилиги иқтисодиётнинг реал тармоғига катта миқдорда кредит ресурсларини жалб этишга кўмак бериши керак. Лекин ҳозирча бу заҳиралар етарли эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтираётган корхоналар олдида инвестиция манбаларини излаш муаммоси ҳам юзага келади. Мамлакат ичкарасида молиявий

захиралар тақчиллиги сезилаётганлиги туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишга ёрдам берувчи хорижий ҳамкорлар топишга интилоқдалар. Хорижий сармояларни кенг кўламда жалб этишга халқ хўжалигини таркибий қайта қуришга эришишнинг муҳим шarti, деб қаралмоқда.

Асосий муаммо шундаки, тадбиркорларимизнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди. Кўплаб сабаблар туфайли хорижий инвесторларнинг асосий қисми иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларга қўйиладиган сармояларга фақатгина дивиденд ва фоизлар кўринишидаги пул ишлаш йўли деб қарамайди. Улар бундай сармояларни умумий стратегиясининг бир қисми, деб ҳисоблашади. Хорижий тадбиркорларнинг асосий мақсади эртаси бор бўлган бозорда мустаҳкам ўрнашиш, молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатиш, импорт ва валюта чеклашларини четлаб ўтиш ва баъзан рақобатчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришдан иборат. Шу сабабли ҳам хорижий инвесторларга иқтисодиётни кўтаришдаги асосий характерлантирувчи куч сифатида қараш мумкин эмас. Хорижий инвесторларни жалб этиш, чет эл тадбиркорларига имтиёзлар яратишда, авваламбор, мамлакат манфаатидан келиб чиқиш лозим. Шунинг назарда тутиш лозимки, агар корхона устидан назорат хорижлик тадбиркорларга тегишли бўлса, у ҳолда қарор қабул қилиш ва даромад мамлакатдан ташқарига кўчади.

Корхона эгалари нуқтаи назаридан фойдали бўлган қарор мамлакат иқтисодиёти учун зарарли бўлиши мумкин. Мисол учун, агар корхона тугатиладиган бўлса, унинг ходимлари даромади ҳам йўқолади, давлат даромади қисқаради, бунинг устига, давлат ишсиз ходимларни ишга жойлаштириш харажатларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам хорижий ҳамкорларни жалб этиш, бу лойиҳада иштирок этаётган барча томонлар манфаатдорлиги мутаносиблигига асосланиш лозим.

Ўзбекистондаги ва шунингдек, иктисодиёти ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги корхоналарнинг кўплаб раҳбарлари хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиришмоқда. Аммо тадқиқотлар, шу жумладан, мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг ҳаракатлари бир-бирига бирмунча зид. Бир томондан, маъмуриятлар ўз корхоналари устидан назоратни сақлаб қолиш истагида бўлса, бошқа томондан, хорижий инвесторлар ўтиш даври учун хос бўлган кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ва молиявий муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олади, деб ҳисоблайди.

Корхона раҳбарлари ва ташқи инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қийинлаштирувчи сабаблардан бири сифатида уларнинг инвестицион жараёнини тасаввур этишлари масаласи қийин кечишини тушунишларини кўрсатиш мумкин. Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион жараёнининг бирмунча мураккаб босқичи сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичидан иборат. Олинган маблағни самарали ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди. Уларнинг ўз сармоялари кўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхоналарни назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Айни кунларда бирмунча муҳим муаммолардан бири - янги маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш ва ҳозирда тайёрланаётган товарлар сифатини кўтариш, уларни бозорга чиқара олиш ва сотишдир. Бундан келиб чиқадики, сармоя кўйишнинг асосий йўналиши илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда маҳсулот сотиш тизимини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Шундай қилиб, кўплаб корхоналар айланма маблағларнинг сурункали етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда, бу шу ташкилотлар раҳбарларигагина эмас, балки потенциал инвесторларга ҳам маълум.

Корхона раҳбарлари олинган маблағдан турли-туман имкониятларни кидириб, ўз муаммоларини, аввало, иш ҳақи масаласини ҳал этиб олишга умид қилса. инвесторга ўз сармоясининг бундай келажаги жуда маъқул бўлавермайди. Буни хорижий инвесторлар ўз маблағлари кўйилган корхоналар фаолиятини назорат қилишга уринишларининг яна бир сабаби, деб ҳисоблаш мумкин.

Хорижий сармоялар жалб этишда энг катта тўсиқлардан бири мулкый муносабатлар такомиллаштирилмаганидир. Мисол учун, акционерлар жамияти маъмурияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича бошқарув меъерий ҳужжатларини амалда татбиқ этиш механизмини яратиш зарур.

Капитал тизимини шундай ислоҳ қилиш зарурки, ниҳоят мулк эгаси ким эканлигини билиш лозим. Бирорта ҳам инвестор эгаси номаълум бўлган корхонанинг акциясини сотиб олмайди. Шу сабабли хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг давлат томонидан аниқ чегарасини белгилаш керак.

Ўзбекистонда хорижий сармояларни жалб этишнинг қонуний базаси ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Қонунда «тартиби қонунларда кўрсатилади» ёки «Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади» каби иборалар иложи борица кам бўлиши лозим. Энг самарали қонунлар тўғридан-тўғри амал қилинадиган қонунлардир. Турли хил талқин этилиши мумкин бўлган ифода усулларида қочиш зарур.

Шундай қилиб, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш жараёнини оддий схема кўринишида қуйидагича баён этиш мумкин: стратегик мақсад-иқтисодий ҳисоб, таваккалчилик даражасини баҳолаш, уни энг кам даражага тушуриш йўллари топиш. Агар фаолиятнинг бундай узвийлиги аниқ ва тўлиқ бажарилса, у ҳолда хорижий инвестициялар жалб этилишига умид қилиш мумкин.

Корхоналарнинг инвестицион фаоллиги жадаллашувига таъсир этувчи омиллардан яна бири мамлакатдаги валюта сиёсатидир. Албатта бу борада ҳозирги пайтда ижобий силжишларни кўриш мумкин. Чунончи,

Марказий банкнинг расмий курслари ва бозор курслари ўртасидаги кескин фарқ қисқартирилиши экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчилар валюта тушумларини расмий сотиши воситасида сезиларни молиявий йўқотишларнинг олди олиниб, уларнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилмоқда. Кейинги асосий масала - юридик ва жисмоний шахслар учун конвертацияни тўлиқ очиб бериш ва валюта муносабатларини тўлақонли эркинлаштириш сиёсатини олға суришдир.

3.2 Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг замонавий усуллари

Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради. Сир эмаски, ўз маблағини бирор мамлакат иқтисодиётига киритмоқчи бўлган чет эллик сармоядор биринчи навбатда ўзи учун яратилган имтиёз ва енгилликларни билишни истайди. Шу ўринда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ чет эллик инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмаслигини айтиш мумкин.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эллик инвесторларга нисбатан

инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хохишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир»,¹¹ дейилади. Демак, меъёрий ҳужжатлар юртимизга кириб келаётган хорижий инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга муқобил шароитларни яратиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидламоқ лозим.

«2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди....

...Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир»¹².

Президентимизнинг мамлакат иқтисодиёти ривожини учун ўта муҳим бўлган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони ишлаб чиқариш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб этиш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этишга доир ушбу Фармон мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник жихатдан қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, Т. : Ўзбекистон ,

¹² «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

дастурини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадларига қаратилган. Шу ўринда Фармонда хорижлик ишбилармонларни солиқ билан рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унга мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолият турлари бўйича, жумладан даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ёки ягона солиқ ҳамда Республика йўл жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Бунда хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида бўлганда 3 йил муддатга, 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда 7 йил муддатга юқорида кўрсатилган солиқлар бўйича имтиёزلардан фойдаланади.

Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига сармоя киритишга қизиқиши ортади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шунингдек, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бирига айланди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кучайтиради. Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган. Фармонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳар томонлама қулай, ортиқча

ишчи кучига эга бўлган бир қатор вилоятларнинг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилишининг белгиланиши мамлакатимизда бандлик масалаларини ижобий ҳал этишга қаратилган. Ҳуқуқий кафолатларнинг аниқ-оддийлиги сармоядорларнинг инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилишини тезлаштириш билан бирга, уларга мавжуд хатарларни ҳам баҳолаш имкониятини яратади. Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўз навбатида, республика минтақаларидаги бой минерал-ҳом ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

«Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,8 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ доллариға тенг миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадиғи қуйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди»¹³ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А. Каримов.

Мамлакатимизга бу тарзда сармоя оқиб келаётгани эса хорижий инвесторлар, яъни чет эллик шерикларимиз республикаимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиғи ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир.

¹³ «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

3.3 Наманган вилояти иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўналишлари

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш, иқтисодий сиёсатнинг асосий концептуал йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш механизмини ривожлантириш зарурияти давр талаби бўлиб, шу билан бир қаторда ташқи ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш долзарблигича қолмоқда.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестициялашнинг устивор йўналишилари аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилona тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва воситаларини излашда давом этмоқда. Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий ресурсларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш усуллари аниқлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруратани кўндаланг қилиб кўяди. Мамлакат инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестициялар иштироки кучайиши билан бу масалаларнинг аҳамияти ошиб боради.

«Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 минг АҚШ доллариға тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этди.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди¹⁴» деб таъкидлайдилар Республикамиз Президенти И.А. Каримов

Наманган вилояти иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилиб, 2010 йилда 22,3 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди. Ушбу инвестицияларни 13,2 млн. АҚШ доллари ёки 59,0 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига шу жумладан, 71,0 (9,3 млн доллар) фоизи асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди.

Жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 17,2 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 1,5 мартага кўп бўлди.

Шунинг билан бирга, Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда “Хайин Текс” хорижий корхонаси томонидан киритилиши белгиланган 14,5 млн. АҚШ долларлик хорижий инвестициялардан атига 1,5 млн. доллари жалб қилиниб, режа 10,6 фоизга бажарилган холос.

Шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик соҳасига дори-дармон, витамин ва минераллар ишлаб чиқариш бўйича “Гудвил КБНП” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида 50,0 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлсада, лекин белгиланган 2,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги (ускуна ва жиҳоз) инвестициялар жалб қилилмади.

¹⁴ И.А. Каримов «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Халқ сўзи. 2011 йил 22 январ

Умуман олганда, хорижий инвестиция жалб қилиш бўйича бир қатор туманларда етарли ишлар ташкил этилмаяпти. Жумладан, 2000 йилдан бери Мингбулоқ ва Учқўрғон туманларида, 2005 йилдан бери Норин, Чорток, Чуст ҳамда Янгиқўрғон туманларида умуман тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинмаган. Шунингдек, Мингбулоқ ва Учқўрғон туманларида бирорта ҳам хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхона мавжуд эмас.

2010 йил Инвестиция дастури доирасида барча манбалар ҳисобига 554,0 млрд. сўмлик (ўсиш 103,9%) капитал маблағлар ўзлаштирилиб, 341,0 млрд сўмлик (133,1%) пудрат ишлари амалга оширилди.

Вилоятда реал секторни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида саноат ишлаб чиқариш таркибида тайёр маҳсулотнинг улуши 2005 йилда 48 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил қарийиб 60 фоизга етди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли қарорига асосан олиб борилган тадбирлар натижасида, 2009-2010 йиллар давомида жами 93 та лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларга 37,2 млрд.сўм ва 62,0 млн. доллар маблағлар сарфланди ва 3916 та янги иш ўринлари барпо этилди.

Шундан, 2010 йилнинг ўзида жами 56 та лойиҳалар амалга оширилиб, ушбу лойиҳалар учун 34,2 млрд. сўм ва 9,1 млн. доллар маблағлар ўзлаштирилди ва қўшимча 2706 та янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида, вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли ўсди. 2010 йилда 748,6 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилиб, ўсиш суръати 7,7 пунктга ортиғи билан таъминланди. Ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмида

2010 йилда амалга оширилган лойиҳалар салмоғи қарийиб 40,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Олиб борган изланишларимиз, Наманган вилояти ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

-инвестиция инфратузилмасининг ривожланмаганлиги-банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

-тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги-ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

-инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаришда тижорат банклари, ҳудудлашдаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

-лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги-инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

-маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги-хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар ўтказиш.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра, хорижий инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириши мумкин. Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган инвестицион муҳит билан ўзаро ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор ислохотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик хорижий инвесторларни жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Бундай ҳолда миллий иқтисодиётга маблағ жойлашганлиги билан боғлиқ бозор хатарлари даражаси паст, деб ҳисобланади.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этилиши Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқлари ва корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалиши, аҳоли даромадларини ошишига олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Бу борада сўз кетганда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, ... нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваломбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир – оқибатда республикаимиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир”¹⁵.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш, иқтисодий сиёсатнинг асосий концептуал йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш механизмини ривожлантириш зарурияти давр талаби бўлиб, шу

¹⁵ Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. // Халқ сўзи, 2008 йил, 9 феврал.

билан бир қаторда ташқи ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистондаги ва шунингдек, иктисодиёти ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги корхоналарнинг кўплаб раҳбарлари хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиришмоқда. Аммо тадқиқотлар, шу жумладан, мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг ҳаракатлари бир-бирига бирмунча зид. Бир томондан, маъмуриятлар ўз корхоналари устидан назоратни сақлаб қолиш истагида бўлса, бошқа томондан, хорижий инвесторлар ўтиш даври учун хос бўлган кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ва молиявий муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олади, деб ҳисоблайди.

Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион жараённинг бирмунча мураккаб босқичи сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди босқичидан иборат. Олинган маблағни самарали ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди. Уларнинг ўз сармоялари кўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхоналарни назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Айни кунларда бирмунча муҳим муаммолардан бири - янги маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш ва ҳозирда тайёрланаётган товарлар сифатини кўтариш, уларни бозорга чиқара олиш ва сотишдир. Бундан келиб чиқадики, сармоя кўйишнинг асосий йўналиши илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда маҳсулот сотиш тизимини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Хорижий сармоялар жалб этишда энг катта тўсиқлардан бири мулкӣ муносабатлар такомиллаштирилмаганидир. Мисол учун, акционерлар жамияти маъмурияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича бошқарув меъерий ҳужжатларини амалда татбиқ этиш механизмини яратиш зарур.

Ўзбекистонда хорижий сармояларни жалб этишнинг қонуний базаси ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Қонунда «тартиби қонунларда кўрсатилади» ёки «Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади» каби иборалар иложи борица кам бўлиши лозим. Энг самарали қонунлар тўғридан-тўғри амал қилинадиган қонунлардир. Турли хил талқин этилиши мумкин бўлган ифода усулларида қочиш зарур.

Шундай қилиб, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш жараёнини оддий схема кўринишида қуйидагича баён этиш мумкин: стратегик мақсад-иқтисодий ҳисоб, таваккалчилик даражасини баҳолаш, уни энг кам даражага тушуриш йўллари топиш. Агар фаолиятнинг бундай узвийлиги аниқ ва тўлиқ бажарилса, у ҳолда хорижий инвестициялар жалб этилишига умид қилиш мумкин.

Олиб борган изланишларимиз, Наманган вилояти ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- инвестиция инфратузилмасининг ривожланмаганлиги-банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги-ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаришда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

-лойиха ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги-инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

-маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида тўлиқ инвестицион муҳитга оид маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги-хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар ўтказиш.

Бозор иқтисодиёти инвестицион лойиҳа рискларини баҳолашда комплекс ёндашувлар ва лойиҳавий молиялаштиришда қўлланиладиган барча инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари тизимини ўрганишни талаб этади.

Турли манба маблағларидан, шу жумладан чет эл инвестициялари ва кредитларидан ташкил топадиган инвестиция капитали ҳаммабоплиги, ишончлилиги, тузилмасининг мураккаблигига қараб, чекланганлиги, ҳаракатчанлиги, ҳимоясининг бўшлиги туфайли ўз муҳитининг солиқ, божхона сиёсати ва бошқа омилларга ҳушёр туради. Молиялаштириш манбаларини шакллантиришда уларнинг нархини, хавфсизлигини, капитал талофатлари рискинни минималлаштириш, ҳозирги қийматни сақлаш ва капиталлаштириш асосий вазифа ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда, танлаб олиш ва амалга оширишда ички ва ташқи инвестиция имкониятларини таҳлил қилишда:

Биринчидан, албатта ҳар бир жалб этиладиган молиялаштириш манбаи қийматини пулнинг вақтли қиймати назарияси асосида баҳолашни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, лойиҳа бўйича номаълумликларни таҳлил қилиш, рискларни камайтириш усуллари белгилаш ва уларни олдиндан инвестициялаш иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тавсия этилади.

Учинчидан, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда соф дисконтланган меъёри, қопланиш муддати каби стандарт услуб кўрсаткичларидан фойдаланиши зарур.

Тўртинчидан, ўз маблағлари ва хорижий шериклар, халқаро молия институтлари ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишда уларни жалб этиш нархларини аниқлаш асосида ресурс базасини баҳолашни ўтказиш зарур.

Илмий изланишларни таҳлил қилиш натижаларига кўра қуйидаги хулоса ва таклифларни келтиришимиз мумкин:

1. Мамлакатимизга илғор техника ва технологияларни халқаро кредит институтларининг ажратган кредит маблағлари эвазига кириб келишида асосий рисклар лойиҳа ташаббускорлари ва резидент банклар зммасига тушади. Бу рисклардан қочиш учун чет элдан замонавий техника ва илғор технологияларни етказиб беришни лизинг асосида, яъни халқаро молиявий лизинг муносабатларини ривожлантирмоқ зарур.

2. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва уларнинг мониторингини олиб боришда малакали мутахассисларни тайёрлаш тижорат банклари учун ҳам, инвесторлар (лойиҳа иштирокчилари) учун ҳам зарурдир.

3. Инвестицион лойиҳаларни экспертиза давридаги рискларни камайтириш учун кредит олувчилар томонидан сифатли ва аниқ маълумотларни ўз вақтида берилишини талаб этиш лозим.

4. Ҳар бир банк - кредит ташкилотларида ишлаб чиқаришнинг ва маҳсулотлар бозорининг ҳамма турини қамраб олувчи маркетинг бўлимларини ташкил этмоқ зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Расмий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: “Адолат”, 1992
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қўғозларбозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни. 2001 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. 2009 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 31.05.1996 й. ПФ-1467-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 09.02.1998 й. ПФ-1924-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11.04.2005 й. ПФ-3594-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги 18.11.2008 й. ПФ-4053-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоўиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 28.11.2008 й. ПФ-4058-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги 28.10.2009 й. ПҚ-1213-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида”ги 336-сонли Қарори, 02.07.1997 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ўимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли Қарори, 02.05.12003 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойихаларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги 58-сонли Қарори, 09.02. 2004 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 74-сонли Қарори, 01.05. 2006 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқариладиган “Дженерал моторс пауэртрейн-Ўзбекистон” корхонаси қурилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 279-сонли Қарори, 26.12. 2008 й.

II. Махсус адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

8. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

9. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

10. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Гафуров У.В. ва Неъматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 5 б.

11. Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание.: Пер. с англ. "Вильямс", 2008. — 984 с .

12. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов:Пер.с англ.- 4-е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс,2007. - 1340 с.

13. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

14. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М. ИНФРА-М, 2007. -1028 с.

16. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. / [Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: «Академия», 2007. - 304 с.

17. Н.Н.Расулов. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана. - Т.: «ФАН», 2003. - 165 с.

18. Игошин Н.В. Инвестиции, организация, управление, финансирование: Учебник / -3-е изд. - М.: «ЮНИТИ : ДАНА», 2005. - 448 с.

19. Дегтярёв О.И. Внешнеэкономическая деятельность: Учеб. пособие. / Дегтярёва О.И., Полянова Т.Н., Саркисов С.В. - М.: Дело, 2005. - 325 с.

20. Диденко Н. И. Основы внешнеэкономической деятельности в РФ. 2-е изд. - СПб.: Питер, 2004. - 286 с.

21. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 1-қисм. Бекмуродов А., Болтабаев М., Ғойибназаров Б., Аманбаев М., Тошхўжаев М. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. - Т.: ТДИУ, 2005.

22. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 2-қисм. Бекмуродов А., Ҳакимов Р., Сафаров Б., Захидов Г. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва фермерлик ҳаракати. - Т.: ТДИУ, 2005.

23. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 3-қисм. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига - давр талаби. - Т.: ТДИУ, 2005.

24. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 4-қисм. Бекмуродов А., Тожиев Р., Қурбонов Х., Алимардонов М. Молия ва банк тизимидаги ислохотлар самараси. - Т.: ТДИУ, 2005.

25. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 5-қисм. Бекмуродов А., Таиров Ш., Махмудов Э., Исаков М., Тўраев Н. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. - Т.: ТДИУ, 2005.

26. “Қўшма корхоналарни ташкил этишга инвестицияларни киритишнинг устувор йўналишлари ва вазифалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТДИУ, 2008.

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли

йиллар бўйича статистик тўплamlари

III. Интернет Ресурслари

1. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

2. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.

3. [www. Unctad. Org](http://www.Unctad.org).

4. [www. adb. Org](http://www.adb.org).